



ЖАЛОЙИРЛАР, жалоирлар — туркий халклардан бири. Рашидуддиннинг ёзишига кўра, Жалойирлар 12-а. да Онон ва Керулен дарёлари бўйида яшашган. Улар 10 бўлакка (кабилага) бўлинган, ҳар бир кабиланинг ўз саркардаси (кабила бошлиги) бўлган. Жалойирларнинг катта бир қисми кидонлар билан бўлган урушда енгилгач, Чингизхон аждодларига тобе бўлган. Чингизхон ҳукмронлиги даврида, Жалойирлардан бир канча эътиборли беклар ва лашкарбошилар етишиб чиққан. 12-а. нинг охири ва 13-а. нинг бошларида Жалойирларнинг катта қисми Еттисув ва Мовароуннахрнинг айрим вилоятлари (Охангарон водийси ва Хўжанд тумани) га кўчиб келиб ўрнашган. 1370 й. да Амир Темури бу гуруҳни ўзига тобе этади, аммо Жалойирлар тез-тез кўзғолон кўтариб туришган. 1376 й. даги кўзғолон бостирилгач, улар бир канча гуруҳларга ажратилиб, бир бўлаги Тошкент воҳасида қолдирилган, қолганлари Мовароуннахрнинг бир канча туманларига (асосан, Зарафшон бўйларига) кўчирилган. Шу тарзда Амир Темури Ж. нинг Охангарон ва Хўжанд улусини тарқатиб юборади. Ўзбекистонда Жалойир номи билан боғлиқ қишлоқлар бор.

13-а. давомида Жалойирларнинг катта бир гуруҳи Озарбайжон ва Ироққа кўчиб ўз давлатини барпо этганлар (қ. Жалойирийлар давлати).

Ўрта Осиё ва Қозогистонда яшовчи Жалойирлар кейинчалик ўзбек, қозок, қорақалпоқ ва қирғиз миллатлари таркибига қирган. Қозоклар таркибидаги Жалойирлар йирик уруғларга бўлинган: қирмоноқ, қирқтиним, қойчегир, қайчили, қирғичи, қолғали, қучуқ, қорачопон, андас, қалпс, қирза, ўроқли, қобўйим. Қирғизлар таркибида Жалойирларнинг қучуқ, қинғитай, қупатай уруғлари бўлган. Ўзбеклар таркибида Жалойирларнинг икки йирик қайчили ва қолғали уруғлари ҳамда бир канча уруғ бўлинмалари бўлган (қарғали, қошқирд, қаробудал, қоракўли, қорачопон, қувулдоқ, қастабан ва б.).